

UDK: 635.611:635.615:635.621=632.7.04/08

ПОЛИЗ АГРОБИОЦЕНОЗИДА ТАРҚАЛГАН ТАБИЙ ЭНТОМОФАГЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич, к/х.ф.д., ТерДМАУ. Алланазаров

Олимжон Яхшибойевич, Чориева Раъно Жумаева ЎҚҲИТИ Сурхондарё

минтақавий Филиали илмий ходимлари

Abstract: *The article discusses the natural entomophages and their importance in the agrobiocenosis of polyz and the control of the polyz beetle, a pest of polyz crops.*

Key words: *Polyz crops, agrobiocenosis, natural entomophages, pest, Polyz beetle.*

Қириш. Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ҳамда полиз маҳсулотлари экспортини янада ривожлантиришда полиз экинларини турли зарарли организмлардан химоя қилиш муҳим ўрин тутди. Етиштирилаётган полиз экинлари ҳосилининг миқдorigа ва сифатига катта зарар етказадиган полиз қўнғизи, қовун пашшаси, ўсимлик ширалари, ўргимчаккана каби зараркунандаларига қарши экологик хавфсиз самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Полиз агробийотсенозида учрайдиган табиий кушандалар уларнинг зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамиятини ўрганиш, полиз экинларини химоя қилишнинг илмий асосланган уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқишда алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишдир.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, энтомофаглар зараркунандаларнинг сонини 94,0 % гача камайтириши мумкин [1; 54-6].

Тадқиқотлар ўтказилган йиллари (2021-2023 й.) биз мунтазам равишда бўғимоёқлилар типига мансуб табиий кушандалар ва текинхўрлар зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб бордик. Энтомофагларни йиғиб олиш тажриба майдонларидан ва бошқа кузатувдаги далалардан бутун мавсум давомида бажарилди. Тадқиқотларимизда энтомофагларнинг тур таркибини ўрганишда икки хил усулдан фойдаланилди:

-полиз далаларидан пробиркаларга териб олинган зараркундаларнинг тухум ва ғумбакларини лабораторияда боқиб, улардан текинхўр энтомофагларни чиқариб олиш;

-бевосита полиз далаларидан йиртқич энтомофагларни ҳисобга олиш ва йиғиш.

Табиий кушандалар ва текинхўрларнинг тур таркибини аниқлаш учун Сурхондарё вилоятининг полиз экиладиган ҳудудларидан йиғиб келинган намуналардан чиқариб олинган паразитлар ва йиғилган йиртқичлар 4% ли формалинда, ва 70% ли спирт ва 4% глицерин аралашмасидан иборат фиксаторларда ҳамда пахтали ёстикчаларда фиксатсия қилиниб сақлаб қўйилди. [2; С.321-621; 3; С.22.].

Кузатувларимиз натижаларининг кўрсатишича полиз далаларининг сўрувчи зараркундалардан ширалар ва ўргимчакканаларнинг тухум, личинка ва етук зотларини *Aphidius ervi* Halid., *Praon volucta* Halid., *Orius niger* Wolff., *Orius albidipennis* Reut. ва *Anthocoris* sp. каби қандалалар фаол нобуд қилди. Айниқса антокорис қандадалари эрта баҳорда зараркундалардан олдин қишги диапаузадан чиқиб, уларнинг қишлаётган тухум, личинкалари ва етук зотларини йўқотди.

Полиз агробиотсенозида тарқалган табиий кушандалар келтирилган, жадвалдан кўриниб турибдики, полиз экинларида сўрувчи зараркундалар билан паразит афидофаглар, бир неча турдаги олтинкўз личинкалари ва хонқизининг етук зоти ва личинкалари, йиртқич қандалалар ва визилдоқ қўнғизлар озикланиб улар сонининг камайишида муҳим ўрин тутади.

Сурхондарё вилояти шароитида ўтказилган тадқиқотларда қайд этилган энтомофаглар турли оилага мансублиги маълум бўлди, лекин уларнинг полиз агробитсенозида зараркундалар сонини камайитиришдаги аҳамиятини аниқлаш ҳам уйғунлашган химоя тизимини ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам полиз экинларининг энг хавфли зараркундаларидан бўлган полиз қўнғизининг табиий шароитда

энтомофаглар билан зарарланиш даражасини ўрганиш мақсадида алоҳида кузатув ва тажрибалар олиб бордик.

1-жадвал

Сурхондарё вилояти полиз агробиотсенозларида учровчи энтомофаглар (2021-2023 йй).

№	Энтомофаг номи	учраши
1	2	3
Ҳашаротлар (<i>Insecta</i>) синфи		
Қаттиққанотлилар ёки қўнғизлар (<i>Coleoptera</i>) туркуми.		
Коксинеллидлар ёки хонқизилар (<i>Coccinellidae</i>) оиласи		
1	<i>Coccinella septempunctata</i> L.	+++
2	<i>Adonia bipunctata</i> L.	++
3	<i>Propylaea quatuor decempunctata</i> L.	++
4	<i>Adonia variegata</i> Goeze.	+++
Жужелитса ёки Визиллоқлар (<i>Carabidae</i>) оиласи		
5	<i>Carabus cancelatus</i> HL.	+++
6	<i>Bembidion lampros</i> Hbat.	++
7	<i>Bembidion quadrimaculatum</i> Hbat.	++
8	<i>Broscus cephalotes</i> H.	++
Қандалалар ёки Ярим қаттиқ қанотлилар (<i>Hemiptera</i>) туркуми.		
<i>Antocoridae</i> оиласига		
9	<i>Orius albidipennis</i> Reut.	++
10	<i>Orius niger</i> Wolff.	++
Тўрқанотлилар (<i>Neuroptera</i>) туркуми. Олтинқўзлар (<i>Chrysopidae</i>) оиласи		
11	<i>Chrysopa carnea</i> Steph.	+++
12	<i>Chrysopa formosa</i> Br.	++
13	<i>Chrysopa septempunctata</i> Wesm.	++
14	<i>Chrysopa perla</i> L.	++
Пардақанотлилар (<i>Hymenoptera</i>) туркуми.		
Яйдоқчалилар ёки броконидлар (<i>Braconidae</i>) оиласи		
15	(<i>Bracon (Habrobracon) hebetor</i> Say.)	+++
16	(<i>Apanteles kozak</i> Nel.)	+++
Трихограмма (<i>Trichogrammatidae</i>) оиласи		
17	<i>Trichogramma pinto</i> Voegelé.	++
18	<i>Trichogramma principium</i> Sug.	++
19	<i>Trichogramma elegantum</i> Sor.	++
Афидиидлар (<i>Aphidiidae</i>) оиласи.		
20	<i>Aphidius ervi</i> Halid.	++
21	<i>Praon volucta</i> Halid.	++
	<i>Encarsia Formosa</i> Gahan.	++
Икки қанотлилар ёки (<i>Diptera</i>) туркуми. Сирфидлар - <i>Syrphidae</i> оиласи.		
22	<i>Syrphus corolla</i> F.	++
23	<i>Paragus oegyptius</i> Mg.	++
24	<i>Scaeva Montana</i> Viol.	++
25	<i>Albomaculata</i> Meg.	++

26	<i>Syrphus corolla F.</i>	++
Галлитсалар (<i>Cecidomyiidae</i>) оиласи		
27	<i>Aphidoletes aphidimyza Rondani</i>	++

Эслатма: +кам учровчи тур, ++ ўртача сонли турлар, +++ қўп сонда учровчи турлар

Тадқиқот натижалари мобайнида Сурхондарё вилояти полиз агробиоценозида тарқалган табиий энтомофаглarning 5 та туркум, 9 та оилага мансуб 27 тури қайд этилди. Шунингдек полиз қўнғизи оммавий тухум қўйишга киришганда олтинқўз личинкалари ва хонқизи қўнғизлари зараркунанда тухумлари билан озиқланиши аниқланди.

Адабиётлар

1. Поляков И.Я., Копанева Л.М., Дорохова Г.И. Численность вредителей и энтомофагов овощных культур и картофеля в различных сельскохозяйственных зонах СССР (по многолетним данным) 1978, -С.54.
2. Бей-Биенко Г.Я. Определитель насекомых европейской части “II” жесткокрылые и веерокрылые. М.Л.: Наука, 1965. - С.356-621.
3. Игамбердиев Х. Бахчевая божья коровка (*Epilachna chrysomelina* Fabr.) - как вредитель бахчевых культур на юге Узбекистана (автореферат канд. дисс.).Ташкент: СХИ, 1967. -С.22.